

**Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
томонидан 2023 йилда амалга оширилган ишлари юзасидан
маълумот.**

I. 2023 йилда амалга оширилган ишлар.

- Миллий қонунчилик ва амалиётни **Жаҳон савдо ташкилоти** қоидаларига уйғунлаштириш юзасидан, “**Стандартлаштириш тўғрисида**”ги “**Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида**”ги “**Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида**”ги янги **Қонунлар** қабул қилиниб **Жаҳон савдо ташкилоти** талабларига мослаштирилди.

- **Ўзбекистон Глобал сифат инфратузилма индексида** (*Global Quality Infrastructure Index (GQII)*) **2018 йилда** индекс энг паст кўрсаткичда қизил рангда белгиланган давлатлар қаторида бўлган, **2022 йилда 82-пағона** билан давлатлар рўйхатига кўшилган. **2023 йилда 185 та** давлат ичида **Ўзбекистон 67-поғонага кўтарилди** (*2022 йилга нисбатан ўсиш суръати: Ўзбекистон +15, Саудия Арабистони +8, Украина + 6, Туркия + 3, Туркменистон + 3, Тожикистон + 2, Қирғизистон + 1*).

- Метрология соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида ўтган **5 йил** ичида миллий эталонлар сони **3 баробарга**, яъни **9 тадан 29 тага** етказилди. Жумладан халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида (**Туркия, Германия, Япония**) “**Вақт ва частота**” эталони яратилиб ишга туширилди.

Мазкур қурилма орқали **рақамлаштириш даврида жуда мухим** бўлган **ахборот ва телекоммуникация, гео ва аэронавигация, халқаро банк операциялари, мудофаа, космонавтика** ҳамда бошқа **стратегик йўналишларда** вақт бўйича **тафовутларнинг барҳам** берилишига эришилди. **Илк бор миллий вақт шкаласи – UTC(UZ)** шакллантирилди ва унинг асосида Давлат аниқ вақт хизмати йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда яратилган ушбу тизим нафақат **Марказий Осиёда**, балки **МДҲ давлатлари** орасида аниқлик ва техник жиҳатдан энг илғорларидан бири ҳисобланади ҳамда ҳозирда **бутунжаҳон мувофиқлашган вақтни** ҳосил қилинишади иштирок этмоқда.

Маълумот учун: “Вақт ва частота эталони” Марказий Осиё давлатлари орасида фақатгина Қозоғистонда ҳамда МДҲ давлатлари орасида Россия ва Белоруссияда мавжуд.

Бутунжаҳон мувофиқлашган аниқ вақтни ҳосил қилинишида **90 га** яқин **давлат иштирок этади.**

- Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳаси рақамлаштирилиб, аккредитация, метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш йўналишларида электрон хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. (**“Е-стандарт”**, **“Е-метрология”**, **“Е-аккредитация”** ва **“Е-сертификат”** ахборот тизимлари жорий қилиниб, уларни такомиллаштириш ишлари олиб борилди).

- Республикада аниқ вақт хизматини ташкил қилиш мақсадида вақт ва частота (ГЛОНАСС ва GPS) эталонини **ишга тушириш** ва **“давлат аниқ вақт – UTC Uz”** хизматини жорий қилиш бўйича ҳукумат қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди.

- Жойлардаги ишлаб чиқарувчиларга янада қулайлик яратиш ва калибрлаш хизматлар қамровини кенгайтириш мақсадида қўшимча **4 та** ҳудудий филиалларда (Бекобод, Қўқон, Қашқадарё, Сурхондарё) калибрлаш лабораториялари ташкил этилиб, жами **10 та** ҳудудий филиалларда **калибраш хизмати йўлга қўйилди**.

- **КООМЕТ** “Сифат форуми” (ТҚ 3.1 34-йиғилиши), “Ахборот ва таълим” (ТҚ 4 20-йиғилиши), “Қонунлаштирувчи метрология” (ТҚ 2 24-йиғилиши) ва “Фотометрия ва радиометрия” (ТҚ 1.7 20-йиғилиши) Техник қўмиталарининг йиғилишлари илк бор Тошкент шаҳрида **ўтказилди**.

- **Германиянинг Физика техника институти (PTB)** билан “Миллий сифат инфратузилмасини ислоҳ қилишни қўллаб-қувватлаш” икки томонлама лойиҳаси доирасида **экспертлар гуруҳи** иштирокида учрашув ва тренинг ўтказилди.

- Соҳада илм ва инновацияларни ривожлантириш мақсадида илмий-техник фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида умумий қиймати **3,7 млрд сўм** бўлган жами **3 та** (кимё, энергетика соҳалари) инновацион лойиҳалар бўйича ишлар амалга оширилиб, қиймати **10,2 млрд. сўмлик 7 та янги лойиҳалар** Инновацион ривожланиш агентлигига тақдим этилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Озарбайжонга расмий ташрифи доирасида **Озарбайжон аккредитация** маркази ўртасида аккредитация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги **Баённома** имзоланди.

- **Ўзбекистон** Европа Иттифоқидан ташқари мамлакатлар (**27 та** давлат) ичида **1-ўринда** Европа стандартларини (**CEN-CENELEC**) **энг кўп қабул** қилган (**837 та** стандарт) **мамлакат сифатида** эътироф этилди.

- **ISO** томонидан акс этирилган **Халқаро стандартларни жорий қилиш** бўйича **2023 йилда 4585 тани** ташкил этиб (**2019 йилда 596 та**, **2021 йилда 2283 та**, **2022 йилда 3064 та**), **МДХ давлатлар** ичида **1-**

ўринни эгаллади. (Литва-1333 та, Қозоғистон-617 та, Озарбайжон-283 та, Грузия-134 та). Улуши, 13 110 та корхонага 14 372 та халқаро стандартлар (ISO 13 912 та, Oeko Tex 98 та, FSSC 22 000 52 та, CE маркировка 26 та, Global GAP 252 та, Organic 32 та) жорий этилиб, 566 турдаги қиймати 744,189 млн.долл. маҳаллий маҳсулотлар Европа давлатларига экспорт қилинишига эришилди.

- 1064 та корхонада сифат менежмент тизимлари жорий этилди.

- “Ҳаво кондиционери” маҳсулотининг энергия самарадорлигини баҳолаш бўйича 2,3 млн. доллар грант жалб қилиниб, Кореянинг KCL компанияси томонидан берилган таклиф ва тавсиялар асосида лаборатория биноси халқаро талабларга асосан таъмирланди ва ускуналар келтирилди.

- мувофиқликни баҳолаш соҳасида энгил саноат, қурилиш, электротехника, кимё, озиқ-овқат ва машинасозлик йўналишларида 128 нафар ходим (шундан 27 нафари хорижда) малакаси оширилди.

- хавф-тахлил асосида 158 та савдо қилувчи, импортёр ва ишлаб чиқарувчи корхоналарда ҳамда 13 та сертификатлаш идораларида давлат назорати ўтказилди.

- 5500 та корхонада профилактика тадбирлари ўтказилди.

- 9 та матбуот анжумани, 4 та брифинг, 39 та жонли эфир, 8 та медиа тур, 145 та ТВда, 115 та радиода, 108 та сайтда, 95 та газетада чиқишлар амалга оширилди.

- малака ошириш институтида 189 та ўқув курси ташкил этилиб, 4633 нафар мутахассислар малака оширди.

- Электротехника саноати тармоғига сифат менежментининг замонавий усуллари ва халқаро стандартларни жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш тизимини яратиш мақсадида Халқаро Электротехника Комиссиясига ассоциациялашган аъзо бўлинди.